

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2026 йил март ойининг 5 куни жиноят ишлари бўйича Ѓиждувон туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, қуйидаги таркибда:

Раислик қилувчи судья Ф.Эргашев;

судья ёрдамчиси Ш.Намозовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ѓиждувон туман прокурори катта ёрдамчиси Д.Мухамедиев, судланувчи Н.Ҳазратов ва унинг ҳимоячиси адвокат Х.Акрамов иштирокида, ЖК 122-моддасининг 2-қисми билан айбланган

Ҳазратов Нуриддин Ҳайдарович (Nazratov Nuriddin Haydarovich), 1990 йил 13 май куни Бухоро вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишламайди, ажрашган, 2 нафар фарзанди бор, судланган жиноят ишлари бўйича Ѓиждувон туман судининг 2024 йил 17 декабрдаги ҳукмига кўра, ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топилиб, 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 2025 йил 12 февралдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 4 ой 5 кун жазо муддати иш ҳақининг 10 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилганини, 2025 йил 20 июль куни жазони тўлиқ ўтаб бўлган.

Бухоро вилояти, Ѓиждувон тумани, Хатича МФЙ Хатича қишлоғида яшайди, иш бўйича 2025 йил 10 декабрь куни “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, жиноят ишлари бўйича Ѓиждувон туман судининг 2026 йил 13 февралдаги ажримига кўра, унга нисбатан қидирув эълон қилиниб, “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган, 2026 йил 27 февраль куни қидирувдан ушланган ва 4-сонли тергов ҳибсхонасига жойлаштирилган, айблов далолатномаси нусхасини ўз вақтида олганга

нисбатан 1-2006-2601/4-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, судланувчи ва жабрланувчи кўрсатувни тинглаб, гувоҳнинг кўрсатувларини ўқиб эшиттириб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда тўпланган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни



## А Н И Қ Л А Д И:

Фуқаролик ишлари бўйича Гиждувон туманлараро судининг 2022 йил 10 июндаги суд буйруғига асосан судланувчи Н.Ҳазратовдан жабрланувчи Якубова Гўзал Фахриддин қизи фойдасига икки нафар вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа барча даромадларининг 1/3 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган бўлса-да, Н.Ҳазратов фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлаганлиги учун жиноят ишлари бўйича Гиждувон туман судининг 2024 йил 17 декабрдаги ҳукмига асосан ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топилиб, жазо тайинлангандан кейин ҳам ўзига тегишли хулоса чиқармасдан 2024 йил 1 ноябрдан 2025 йил 1 ноябрга қадар яъни 2 ойдан ортиқ муддат мобайнида вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлашдан қасддан бўйин товлаб, хавфли рецидив жиноят содир қилган.

Давлат ижрочисининг 2025 йил 1 ноябрдаги алимент қарзини ҳисоблаш тўғрисидаги қарорига кўра қарздор Н.Ҳазратовнинг алиментдан бўлган қарздорлиги 24.365.103 сўмни ташкил қилади.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Н.Ҳазратов унга эълон қилинган айбловларга тўлиқ иқрор эканлигини билдириб, суриштирувда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, судда у тахминан 2013 йилда Г.Якубова билан тирга турмуш қурганини, биргаликдаги турмуши давомида 2 нафар фарзанди туғилганини, аммо оилавий келишмовчиликлар сабабли ўзаро ажрашиб кетишганини, фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан унга нисбатан алимент тўлаш мажбурияти юклатилганини, у ишлаб пулни тўлаганини аммо орада ишсиз қолгани сабабли пулларни тўламаганини, кейин эса яна унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, қамоққа олинганини, сўнг у яна тўлашни бошлаганини аммо яқинда у тўлашдан яна тўхтаганини, ҳозирда унда бўлган алимент қарздорлигининг бир қисми сифатида собиқ турмуш ўртоғига 3.500.000 сўм тўлаб берганини, яна 20.865.103 сўм тўлаши кераклигини, унинг ҳозирда пули йўқлигини аммо тахминан 2 ой муддат берилган тақдирда пулни тўлаб беришини айтиб кўрсатув бериб ўтган.

Гарчанд судланувчи Н.Ҳазратов ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлса-да, суд унинг айби қуйида келтирилган далиллар билан ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Жумладан жабрланувчи Г.Якубова ўзининг суриштирувдаги кўрсатувларини тасдиқлаб, судда у 2013 йилда Н.Ҳазратов билан бирга турмуш қуриб яшай бошлаганини, биргаликдаги турмуши давомида 2 нафар фарзанди туғилганини, аммо ўзаро келишмовчиликлар замирида ажрашиб кетишганини, Н.Ҳазратовга нисбатан алимент пули белгиланган бўлса-да, у алимент пулларини тўламасдан келганини, суд томонидан жазоланганига қарамасдан у яна алимент пулини тўламасдан келаётганини, ҳозирда ҳисобланган алимент қарздорлигидан 3.500.000 и тўлаб берганини, қолган 20.865.103 сўмни тўламаганини, унга



қонуний чора кўришни ва унга етказилган моддий зарарни қоплаб беришни сўраб берган кўрсатувлари билан;

судда тарафлар розилиги билан ўқиб эшиттирилган гувоҳ М.Бекмуродовнинг суриштирувда берган кўрсатувлари билан;

Судланувчи Н.Хазратовнинг юқорида баён қилинган жиноятни содир этганликдаги айби, жабрланувчиларнинг аризаси, бирламчи тўпланган иш ҳужжатлари, фуқаролик ишлари бўйича Ёждувон туманлараро судининг 2022 йил 10 июндаги қарори ҳамда жиноят ишларида тўпланган ва суд мажлисида текширилган барча бошқа далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Суд, судланувчи Н.Хазратовнинг ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 2-қисми – *“хавфли рецидивист томонидан моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик”* да ифодаланган жиноят аломати билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида *“Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”* деб кўрсатилган.

Суд, юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорининг раҳбарий кўрсатмаларини эътиборга олиб, судланувчи Н.Хазратовга жазо тури ва меъёрини белгилашда, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймондалигини, муқаддам судланганини, ёшини, оилавий шароитини, етказилган моддий зарарни қопланмаганини, унга нисбатан жабрланувчининг даъвоси борлигини, тайинланадиган жазонинг судланувчини қайта тарбияланишига ва оиласининг яшаш шароитига таъсирини ҳамда жазони ҳам енгиллаштирувчи ҳам оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, модда санкциясида кўрсатилган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим деб топади.

Суд, судланувчи Н.Хазратовга жазо тайинлашда ЖК 50-моддаси 7-қисмининг “в” бандида *“озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган эркакларга нисбатан илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб ёки ўтаётган чоғида, қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўтайдилар”* деб кўрсатиб ўтилганлигини инобатга олади.

Суд, моддий зарар масаласини муҳокама қилиб, судланувчи Н.Хазратовдан жабрланувчи Г.Якубова фойдасига 20.865.103 сўм ундириш лозим деб ҳисоблайди.



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд .

Ҳ У К М    Қ И Л Д И :

Ҳазратов Нуриддин Ҳайдарович (Nazratov Nuriddin Haydarovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Н.Ҳазратовга ЖК 122-моддасининг 2-қисми билан 2 (икки) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Н.Ҳазратовга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини қаттиқ тартибли колонияларда ўташи белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2026 йил 27 февралдан бошлаб ҳисоблансин.

Н.Ҳазратовга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, судланувчи Н.Ҳазратовдан жабрланувчи Г.Якубова фойдасига 20.865.103 сўм ундирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>4</sup>-моддасига мувофиқ, апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан 10 сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкин.

Белгиланган муддат ўтгандан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилади.

Раислик қилувчи

/имзо/

Ф.Эргашев

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

